

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

**МИРСОАТОВ АЛИШЕР КУДРАТУЛЛАЕВИЧ**

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА  
ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy  
(Doctor of Philosophy) on economical sciences**

**Мирсоатов Алишер Қудратуллаевич**

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк  
хизматларини ривожлантириш.....3

**Мирсоатов Алишер Қудратуллаевич**

Инновационное развитие банковских услуг в условиях формирования  
цифровой экономики .....21

**Mirsoatov Alisher Kudratullaevich**

Innovative development of banking services in the conditions of the formation of  
the digital economy.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work .....44

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**Г.В. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

**МИРСОАТОВ АЛИШЕР ҚУДРАТУЛЛАЕВИЧ**

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА  
ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1362 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич**  
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги

**Расмий оппонентлар:** **Хайдаров Низамиддин Хамраевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Омонов Ақром Абдуназарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.I.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент ш., Ислам Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz).

Диссертация иши автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**Ш.А. Тошматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**А.Х. Исламқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Д.Н. Рахимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда узок муддатли истиқболда замонавий жамиятнинг ривожланиши бир қатор барқарор глобал тенденциялар билан тавсифланади. Huawei ва Oxford Economics томонидан нашр қилинган “Digital Spillover” (Рақамли самара) маърузасида келтирилишича, сўнгги 30 йил ичида рақамли технологияларга қилинган 1 АҚШ доллари миқдоридаги ҳар бир инвестиция ЯИМнинг 20 АҚШ долларига ўсишига олиб келганлиги кўрсатиб ўтилган. Рақамли технологияларга киритилган инвестицияларнинг рентабеллиги (ROI) рақамли бўлмаган инвестицияларга нисбатан 6-7 марта юқори бўлиб, рақамли иқтисодиёт жаҳон ЯИМига (ўртача) нисбатан 2,5 баробар тезроқ ўсмоқда<sup>1</sup>. Шу боис, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада ошироқда.

Жаҳон амалиётида рақамли платформаларнинг ривожланиши рақобат муҳити ва шартларини ўзгартириб юборди, натижада, хизматлар ва товарларнинг янги турлари таклифи юзасидан илмий тадқиқотлар сони ҳамда унга ажратилаётган маблағлар миқдори кескин ошди. Жумладан, банк тизимида рақамли технологияларни ривожлантириш, янги банк маҳсулотлари ва дастурий таъминотни жорий этиш, ривожланаётган мамлакатларда кенг кўламли трансформация дастурларини амалга ошириш юзасидан тадқиқотлар кенг тус олмақда. Бироқ, жаҳонда банк хизматларини кўрсатишда рақамли технологияларнинг кескин ривожланиши, ҳозирги замон «Big Data» технологияларидан кенг фойдаланиш орқали инновацион банк хизматларини тараққий эттириш билан боғлиқ илмий мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг муҳим заруриятига айланиб қолмоқда.

«... банк тизими рақамли технологияларни ривожлантириш, янги банк маҳсулотлари ва дастурий таъминотни жорий этиш бўйича талаблардан 10-15 йилга орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадлигини ошириш бизнинг эътиборимиз марказида бўлади»<sup>2</sup>. Мазкур вазифани амалга оширишда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг аҳамияти ва уни реализация қилишда юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларнинг мавжудлиги, илғор хориж тажрибасини ўрганган ҳолда банк соҳасида рақамли трансформацияни амалга оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий асосларнинг ишлаб чиқилиши фандаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953 сон

<sup>1</sup> Huawei ва Oxford Economics маърузаси Рақамли иқтисодиётнинг реал таъсирини ўлчаш <https://www.huawei.com/minisite/russia/digital-spillover/>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. URL: <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш масалалари хорижлик олимлардан: Й.Шумпетер, И.Авдеева, В.Сумароков, Е.Шохин, Е.Бровкин, Н.Амосова, О.Лаврушин, Е.Мешкова, Д.Вахрушев, Г.Белоглазоваларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган<sup>1</sup>.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар: К.Абдурахманов, О.Абдурахманов, Ш.Абдуллаева, Т.Бобокулов, М.Хамидулин, А.Омонов ва бошқаларнинг илмий ишларида, асарларида рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматлари бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган<sup>2</sup>.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк фаолиятини инновацион ривожлантириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент

---

<sup>1</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: «Прогресс», 2017. 211 б.; Авдеева, И. Л. (2017). Новые формы развития информационных систем поддержки бизнеса в условиях глобализации. Национальные интересы: приоритеты и безопасность, 13(4 (349)); Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. Монография. – М.: «ИНФРА-М», 2019. URL: <http://znanium.com/catalog/product/996752>; Сумароков, В.Н., Шохин, Е.И., Бровкина, Н.Е., Лаврушин, О.И., Амосова, Н.А., Вахрушев, Д.С., ... & Мешкова, Е.И. (2018). Нейтрализация негативного влияния факторов уязвимости национального банковского сектора. Белоглазова, Г. Н. (2012). Банковское дело.

<sup>2</sup> Абдурахманов К.Х., Абдуллаева Ш.Р. ва б. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида молиявий секторнинг ролини ошириш. Монография. – Т.: Плеханов номи РИУ Тошкентдаги филиали; Хамидулин М.Б., Абдуллаева Ш.Р. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда молиявий воситалар самарадорлигини ошириш. Монография/академик Абдурахманов К.Х.нинг умумий таҳрири остида. – Т.: Плеханов номи РИУ Тошкентдаги филиали, 2016; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун дисс. – Тошкент, 2008.

филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк хизматларини инновацион ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

технологик тузилмалар ўзгариши асосида шаклланадиган рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини танқидий ўрганиш; ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматлари кўрсатиш эволюцияси жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларнинг тадрижий тараққиётини тавсифлаш;

банк соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон банк амалиётида ижодий қўллаш бўйича тавсифларни асослаш;

банк хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишда рақамли технологияларнинг жорий этилиши ва инновацион ривожланишнинг ижобий таъсирини баҳолаш;

замонавий молиявий ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, банк фаолиятида рақамли трансформацияни амалга ошириш механизми бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тижорат банкларида рақамли технологияларни қўллаш орқали инновацион банк хизматларини жорий этиш механизми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банкларида рақамли технологияларни қўллаш орқали инновацион банк хизматларини жорий этиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** куйидагилардан иборат:

мобиль ва интернет банкинг хизматлари кўрсатишни суғурта, чегирма бериш каби қўшма хизматлари орқали мувофиқлаштириш механизми асосланган;

информацион технологиялар соҳасидаги стартапларни амалга оширишда банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг “электрон майдон” тамойилига асосланган таъсирчан механизми таклиф этилган;

банкларда маълумотлар базасини тўлиқ рақамлаштиришда тижорат банклари фаолиятини босқичма-босқич трансформациялашнинг тизимли рискларини белгилашнинг устувор йўналишлари асосланган;

инвестицион «лойиҳалар фабрикаси»ни шакллантиришда маълумотлар («Big Data») интеллектуал таҳлилининг жамланган механизми исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

молиявий инновациялар ва турли молиявий банк маҳсулотларидан фойдаланишга асосланган банк хизматларининг янги турларини амалий қўллаш таклиф этилган;

банк тизими орқали электрон тижоратни қўллаб-қувватлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотларини электрон майдон сифатида фойдаланиш йўналишлари асосланган;

банк операциялари, бизнес жараёнлар, кредит фаолиятини бошқаришда катта маълумотлар технологиясини жорий этиш орқали банклар фаолиятини рақамли трансформацияси чора-тадбирлари асослаб берилган;

банк соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича профессионал малакани ошириш мақсадида, дастурий ва АКТдан фойдаланиш кўникмаларига эга мутахассисларни тайёрлашни кучайтириш учун бакалавриятнинг базавий техник таълимини бирлаштириш ва кейинчалик магистратурада "Банк иши" мутахассислиги бўйича мутахассисларни тайёрлаш талаблари ва стандартларини қайта кўриб чиқиш таклифи илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, тижорат банклари томонидан нашр қилинган расмий маълумотларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган натижалардан ихтисослаштирилган илмий-услубий тадқиқотларда фойдаланиш, шунингдек, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида тижорат банкларини инновацион ривожлантиришнинг назарий базасини шакллантиришга хизмат қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан тижорат банкларининг рақамли технологияларни жорий этиш асосида иш самарадорлигини оширишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк хизматларини инновацион ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда технологик услублардаги эволюцион ўзгаришлар асосида тижорат банклари фаолиятини инновацион ривожлантиришга қаратилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2020-2025 йилларда ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон



Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 24 августдаги 37-09/209-сонли маълумотномаси). Натижада, ТИФ Миллий банк АЖ КРІ тизими ва кадрларни бошқариш бўйича автоматлаштирилган лойихани жорий этиш ҳисобига кадрлар сонининг қисқариши кутилмоқда, шунингдек иш ҳақи фонди 20 % га қисқариши ҳамда меҳнат унумдорлиги 15 % га ошишига эришилади;

банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш доирасида тижорат банклари фаолиятини босқичма-босқич рақамли трансформациялаш механизми бўйича таклифдан АТБ «Агробанк»да кредит операцияларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТБ «Агробанк»нинг 2020 йил 14 августдаги 02-07/547-сон маълумотномаси). Натижада, АТБ «Агробанк»да кредит ажратиш вақтини 5 кундан 1-2 кунга қисқартиришга, кредит портфелининг 10 % га ўсишига эришилган;

банк хизматларини кўрсатишда рақамли технологиялардан фойдаланишни янада ривожлантириш, тижорат банкларининг операцион ва бизнес жараёнларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш таклифи АТБ «Ozbekiston sanoat-qurilish banki»нинг банк амалиётида қўлланилган (АТБ «Ozbekiston sanoat-qurilish banki»нинг 2020 йил 14 августдаги 01-07/3445-сон маълумотномаси). Натижада, АТБ «Ozbekiston sanoat-qurilish banki»да “Joyda” иловаси орқали банк депозит портфелининг 10 % га ўсишига эришилган;

инвестицион «лойихалар фабрикаси»ни шакллантиришда маълумотлар («Big Data») интеллектуал таҳлилининг жамланган механизми бўйича ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 24 августдаги 37-09/209-сонли маълумотномаси). «Лойихалар фабрикаси»ни ишга тушуши натижасида ТИФ Миллий банк АЖ кредит портфели фоизли даромади 6,02 % дан 9,5 % гача ўсиши ҳамда қўшимча 3054 млрд. сўм миқдорида даромад олинishi кўзда тутилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан: 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 1 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 161 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк хизматларини инновацион ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида рақамли иқтисодиётни шакллантириш босқичида банк соҳасини қайта ташкил этишнинг асосий жиҳатлари тавсифланган, замонавий шароитда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятларига оид илғор хориж тажрибаси тадқиқ қилинган, тижорат банклари фаолиятини рақамли трансформация қилиш ва инновацион ривожланишнинг назарий жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантиришга оид назарий қарашлар АҚШ, Буюк Британия каби ривожланган давлатларнинг олимлари ишларида кенг доирада тақдим этилган бўлиб, бунда нашрларнинг сони бўйича Массачусетс технологик институти мутахассислари ва уларнинг ҳамкорлари етакчи ўринни эгаллайди. «Рақамли иқтисодиёт» атамаси, биринчи бор, 1994 йили нашр қилиниб, 20 йилдан кейин замонавий ривожланишнинг таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда қайта нашр қилинган "Рақамли Иқтисодиёт" китобининг муаллифи Дон Тапскотт туфайли илмий ва ишбилармонлар ҳамжамиятида пайдо бўлган<sup>1</sup>. Шунингдек, "рақамли иқтисодиёт" концепцияси Американинг Массачусетс университети олими Николас Негропonte томонидан 1995 йилда кенг оммага тақдим этилган<sup>2</sup>.

Жаҳон банки рақамли иқтисодиётни "рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар" тизими<sup>3</sup> ва "жадал иқтисодий ривожланишнинг янги парадигмаси" сифатида белгилайди. Б.Паньшиннинг фикрича, "технологик жиҳатдан рақамли иқтисодиёт тўртта тенденция билан белгиланади: мобиль технологиялар, бизнес-аналитика, булутли ҳисоб-китоблар ва ижтимоий тармоқлар; глобал тарзда: Facebook, YouTube, Twitter, LinkedIn, Instagram каби ижтимоий тармоқлар. Бу эса миллий сегментни шакллантиришда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳимлигини англатади".<sup>4</sup> Маҳаллий

<sup>1</sup> Tapscott, Don. The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. New York: McGraw-Hill. - 1997. - ISBN: 0-07-063342-8

<sup>2</sup> Савина Т.Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы // Финансы и кредит. 2018. №3 (771). <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-kak-novaya-paradigma-razvitiya-vyzovy-vozmozhnosti-i-perspektivy>

<sup>3</sup> Жаҳон банкининг жаҳон тараққиёти тўғрисидаги "Рақамли дивидендлар" номли маърузаси. <https://www.worldbank.org>.

<sup>4</sup> Паньшин Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-osobennosti-i-tendentsii-razvitiya?gc>

олимларининг фикрича: “Инновацион ривожланиш жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим хусусиятига айланди. Энг муҳим иқтисодий ресурслар сифатида билим ва янгиликлардан фойдаланиш асосида янги ўсиш парадигмаси шаклланди.”<sup>1</sup>

Банк соҳасига нисбатан рақамли технологияларнинг ўзига хос хусусияти сифатида биз "ташкilotнинг моддий ва рақамли ресурсларини бирлаштирган ҳолда, истеъмолчи учун янги қадрият ва имкониятлар яратадиган янги бизнес моделларини жорий этиш учун банк муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, рақобат стратегиясини ўзгартириш ва охир-оқибатда банк хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш" кабиларни келтиришимиз мумкин.

Тадқиқот мавзусига оид назарий қарашларни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида, муаллиф фикрича: биринчидан, технологик тартибларнинг эволюцион ўзгариши, хорижий мамлакатлар ва республикада рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида тижорат банклари фаолиятини инновацион ривожлантириш зарурлиги асослаб берилди. Иккинчидан, банк инновацияларининг таснифи келтирилган бўлиб, тижорат банкларида, ташкilotларда инновацион жараёнларнинг вужудга келиши ва ўтилишида айрим қонуниятларни, банкнинг инновацион стратегияси йўналишини белгилаб берувчи у ёки бу турдаги инновациялар устунлигини аниқлаш имконини беради. Ўз навбатида, банкдаги молиявий инновацияларнинг типологияси тегишли иқтисодий ва бошқарув механизмларини ишлаб чиқишга имкон беради, чунки улар айнан амалга оширилаётган инновациялар ва танланган инновацион стратегиянинг турига қараб аниқланади. Учинчидан, инновацион стратегияни аниқлаш бўйича тизимли ёндашувни амалга ошириш жараёнида ҳар қандай банк бозорда янада аниқ жойлашиш, турли хилдаги инновациялар учун турлича бўлган ўзининг ишланмалари ва маҳсулотларини тарғиб қилиш ҳамда реализация қилиш шакллари аниқлаш имкониятини қўлга киритади. Тўртинчидан, ҳар бир банкда технологияларни инновацион ривожлантириш ва жорий этиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин, йирик банклар ресурслар мавжудлиги туфайли замонавий дастурий маҳсулотларни жорий этиши мумкин бўлса-да, айнан йирик банклар инновацияларни қийинчилик билан амалга оширади. Кичик банклар кўпроқ мослашувчанликни намоён этади ва баъзан бозорда биринчи новаторлардан бўлиб, мижозларни жалб қилиш, банк операцияларини амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида замонавий ахборот технологияларини жорий этади.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистон Республикасида банк хизматларининг инновацион ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк соҳасида инновацияларни ривожлантириш институционал жиҳатдан баҳоланган; банк бизнесини ривожлантиришга кредит ташкilotлари

---


<sup>1</sup> Абдуллаева Ш.Р., Абдурахманов О.К., Алиев У.М. и др. Повышение роли финансового сектора в условиях формирования цифровой экономики//под общей редакцией акад. Абдурахманова К.Х. Монография – Т.: Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова. 2019, -134

инновацион сиёсатининг таъсири тадқиқ қилинган; пандемиядан кейинги даврда тижорат банклари рақамли трансформацияси роли таҳлил қилинган.

Мамлакатда ишлаб чиқаришни таркибий ислоҳ қилиш нафақат корхоналарда фойдаланиладиган технологиялар ва технологик жараёнларни модернизация қилишни, балки хизмат кўрсатиш соҳасига, бошқарув тизимига ва иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа муҳим омилларига ҳам инновацион ёндашувни талаб этади.


Инновацион сиёсатни амалга оширишда тижорат банклари амалда умумий мақсадлар билан бирлаштирилган банк инновацияларининг қуйидаги гуруҳларини ажратадилар:

- пул-молия бозорини ривожлантириш билан боғлиқ янги хизматлар;
- нақд пул маблағларини бошқариш бўйича хизматлар;
- ссуда капитали бозорининг анъанавий сегментларидаги инновациялар.



### 1-расм. Ўзбекистонда рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари <sup>1</sup>

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 30 та тижорат банки, шу жумладан, давлат улушига эга 13 та банк фаолият кўрсатмоқда. Банк тизими капитал ва активларнинг юқори концентрацияси билан ажралиб туради, чунки давлат иштироки бўлган 7 та йирик тижорат банкига бутун банк тизимининг 76% активлари улуши тўғри келади.



### 2-расм. Тижорат банклари активларининг ЯИМдаги улуши<sup>2</sup>

<sup>1</sup> «Рақамли Ўзбекистон – 2030» Миллий стратегия концепциясининг лойиҳаси.

<https://regulation.gov.uz/uz/document/10574>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени асосида муаллиф ишланмаси.

<http://cbu.uz/upload/statistics/dks/2019/Статистический%20бюллетень%20Центрального%20банка%20-%202019%20год.pdf>

Банк фаолиятининг инновацион ривожланиши замонавий рақамли технологияларнинг кенг жорий этилишига кўмаклашди, бу эса янги филиаллар очиш динамикасига таъсир кўрсатди. Марказий банк томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда мижозлар учун 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари очилиши ҳисобига, банк филиаллари сонининг камайиши тенденцияси кузатилди, бир йил ичида тижорат банклари томонидан 907 та шундай марказлар очилди.

Банк соҳасида “янги банк хизматлари ва маҳсулотлари” каби тушунчаларни ажрата олиш муҳим бўлиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан “банк операциялари” ёки “битимлари” каби тушунчаларга боғланган. Автоном тарзда мавжуд бўлиши мумкин бўлган банк маҳсулотидан фарқли ўлароқ, банк хизматлари бир вақтнинг ўзида тугалланмаган характерга эга бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатлар тўпламини ифода этади.


Банк инновациялари умумий тоифалари умумий мақсадлар билан бирлаштирилган банк маҳсулотлари ва хизматларининг энг муҳим турларини акс эттиради. Юқорида баён этилганлар бир маънода "инновация" тушунчаси-банкнинг барча фаолият соҳаларида муайян иқтисодий ёки стратегик ижобий таъсирга эга бўлган барча янгиликларнинг татбиқ этилишидир, деган хулосага олиб келади. Бунга мисол сифатида банк мижозлар базасининг ўсишини, бозор улуши ортишини, банк операцияларини амалга оширишда харажатларни қисқартириш имконини беради.

Тижорат банкларида фаол ривожланаётган тармоқлардан бири масофавий банк хизматларини кўрсатиш. 2019 йилда 7,96 млн. банк мижозлари хизматларнинг шу каби турларидан фойдаланган. Шундан, 7,5 млн.дан ортиғи ёки 95%и мобиль банк хизматидан фаол фойдаланувчи жисмоний шахслар ҳисобланади, бу эса меҳнат ресурслари умумий сонининг 63%ини ёки Ўзбекистон аҳолисининг 23,7% ини ташкил этади.

Албатта, мазкур статистика шартли бўлиб, битта одам бир вақтнинг ўзида бир нечта банкнинг мижози ҳисобланаётган бўлиши мумкин. Халқ банки энг кўп жисмоний шахс мижозларга эга бўлиб, бу унинг фаолияти хусусияти билан боғлиқ (3-расм).


Интернет-банкнинг нақд пулларни бошқариш ва клиринг орқали транзакцияларни амалга ошириш каби энг оддий пул ўтказмалари, ҳисобларни тақдим этиш ва тўлаш, ҳисобнинг ҳолати тўғрисидаги кўчирмага сўров бериш ёки кредитга ариза беришгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

Банк хизматларини кўрсатиш соҳасидаги инновацион ечимлардан бири-мобиль технологиялардан фойдаланиш, яъни мобиль банкинг ҳисобланади. Тижорат банкларининг мижозлари орасида CLICK, Рауме тизимларининг хизматлари кенг оммалашган. CLICK, Рауме платформалари Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мижозларининг пластик карталари очилган банк ҳисобларини бошқариш воситасини ифода этади. Ушбу хизмат ёрдамида мижоз банкка келмасдан бир нечта банк ҳисобларини бошқариш ва тўловларни амалга ошириш имкониятига эга.



**3-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони<sup>1</sup>**

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки 1991 йил сентябрь ойида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда Республиканинг барча вилоятларида аҳолига хизмат кўрсатиш марказларига эга. Кейинги 4 йил ичида банкнинг кредит портфели юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, агар 2016 йилда кредит портфели суммаси 12,9 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда кредитлар ҳажмининг ўсиши 2,68 баробарни, 2018 йилда 32,5% ни, 2019 йилда ўсиш суръати бироз камайган ҳолда 20% ни ташкил этган, 2016 йилга нисбатан кредит портфели ҳажми 4 баробарга ошган.




**4-расм. «Ўзмилийбанк» АЖ асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар таҳлили, трлн.сўмда<sup>2</sup>**

«Ўзмилийбанк» АЖ универсал, тижорат банк сифатида, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватловчи, молиявий ва саноат тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашадиган, ривожланган

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Статистик бюллетенига кўра тузилган <http://cbu.uz/upload/statistics/dks/2019/> Статистический%20бюллетень%20Центрального%20банка20год.pdf

<sup>2</sup> ЎзРТИФ Миллий банки молиявий ҳисоботларининг маълумотлари бўйича тузилган URL: <https://nbu.uz/ViewerJS/#./upload/iblock/d6c/Struktura-balansa-za-2018-god.pdf>

инфратузилмага эга мамлакатдаги энг йирик банк ҳисобланади. Технологик инновациялар билан бир қаторда, банк молиявий инновациялардан, хусусан, кредит хизматларини кўрсатиш ва аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича депозит операцияларини амалга ошириш соҳасида муваффақиятли фойдаланмоқда. Банк фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг учта йўналиши мавжуд бўлиб, булар: миждозлар базаси, операциян жараёнлар ва бизнес-моделлардир. Одатда, банклар рақамли трансформацияни бирданига учта соҳага бўйича йўналтирмайди.



### **5-расм. Инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида “Ўзмилийбанк” АЖ банк хизматларининг турлари <sup>1</sup>**

Рақамли трансформациянинг энг истиқболли шакли бизнес ва операциян моделларни ўзгариштириш ҳисобланади. Тижорат банкларининг бизнес-моделлари эътиборини ташкилот ўз бизнесини қандай юритаётганлигига, бозор учун қандай кадриятларни яратиб, таъминлаётганлигига қаратади. Операциян моделлар эса ички бизнес-жараёнларнинг самарадорлигига йўналтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра: биринчидан, ишларнинг ҳақиқий ҳолати таҳлили жорий қилинаётган дастурий маҳсулотларнинг тарқоқлигидан далолат беради, бу маълумотларнинг марказлаштирилган тизимига интеграциялашувини таъминловчи ягона ахборот-технологик платформанинг йўқлиги билан боғлиқ. Иккинчидан, “Ўзмилийбанк” АЖ мамлакатдаги капитал ва активлар ҳажми бўйича давлат иштироки бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги энг йирик тижорат банки ҳисобланади. Банк ташқи савдо операциялари бўйича ҳукуматнинг агенти бўлиб, ташқи савдо айланмасининг 70% ига хизмат кўрсатади. Энг йирик банк сифатида халқаро молия институтлари ва хорижий банклар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этади.

Банк барқарор молиявий кўрсаткичларга ҳамда улар бўйича юқори ўсиш динамикасига эга бўлса-да, нисбатан паст рентабеллик коэффициентига эга, бу эса, ўз навбатида, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида

<sup>1</sup> ЎзРТИФ Миллий банки расмий сайтнинг маълумотлари бўйича тузилган URL: <https://nbu.uz/about-bank/tarify-dlya-fizicheskikh-lits/>

фаолият самарадорлигини ошириш ва бизнес жараёнларни трансформация қилишни тақозо этади.

Учинчидан, коронавирус инфекцияси тарқалиши натижасида мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтириш мақсадида, тижорат банклари рақамли трансформацияси ва уларнинг банк хизматлари янги турларини жорий этиш бўйича фаолиятини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ:

- BigData технологияларидан фойдаланган ҳолда кредит тарихи асосида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўғрисидаги иқтисодий ахборотларни тўплаш, ишлаб чиқариш қиймат занжирларини таҳлил қилиш ва тижорат банкларининг кредит портфели хавфини ўз вақтида баҳолаш имконини беради;

- тижорат банкларининг тадбиркорлар кредитларни қайтариши билан боғлиқ муаммолари ва янги иш ўринларини яратиш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан онлайн консултациялар ташкил этиш ;

- ахборот технологиялари соҳасида стартапларни амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, карантин шароитида жуда муҳим бўлган таълим, тиббиёт, ижтимоий соҳаларда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

- суғурта, савдо имтиёзлари ва ҳ. к. каби аралаш хизматларни кўрсатиш орқали кўрсатилаётган мобиль ва интернет-банкнинг хизматлари доирасини кенгайтириш;

- маҳаллий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга электрон тижоратни ривожлантиришга кўмаклашиш;

- банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот ресурсларида кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигини яхшилаш орқали мижозларнинг банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича кенг миқёсда хабардорлигини таъминлаш;

- кредитлашнинг янги шакллари ва усулларини, жумладан, синдикатлаштирилган кредитларнинг турларини, экспортни молиялаштиришни, жумладан, хорижий харидорларни кредитлаш схемаларини ривожлантириш.

Тўртинчидан, банк учун мижозлар билан тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва янги банк маҳсулотларини яратиш асосий инновацион йўналиш бўлиб қолиши керак. Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш табиий ва мантиқий жараён бўлиб, постпандемик даврда инқироздан чиқиш, корхона ва ташкилотларнинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун самарали восита бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **"Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида банк хизматларини инновацион ривожлантириш истиқболлари"** номли учинчи бобида янги банк маҳсулотлари бозори самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, юқори технологияли



ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича кенг кўламли давлат чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банклари муҳим бўлган бўлиб хизмат қилмоқда. Банк фаолиятида инновацияларнинг жорий қилиниши глобал ва жаҳон молия секторидаги инновациялар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу жараён турли мамлакатлардаги барча банклар учун муқаррардир.

Диссертациянинг учинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра: биринчидан, банк фаолиятида янги ёндашувларни шакллантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш қуйидаги жиҳатлар бўйича кўриб чиқилиши мумкин:

- энг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида инновацион банк маҳсулотларини ривожлантириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш;

- ўзаро боғлиқ бўлган банк маҳсулотларини яратиш, янги молиялаштириш схемалари, банк кредитлари ва инвестицияларини кенгайтириш орқали молиявий инновацияларни фаол жорий этиш;

- бизнес-жараёнларга ва тижорат банкини бошқариш тизимида инновацияларни, шу жумладан, менежментни такомиллаштириш, банк фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, банк-молия соҳасига оид маълумотларнинг сифат даражасини ошириш, ундан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масалаларини жорий этиш.

Иккинчидан, тижорат банкларининг миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишини инвестицион қўллаб-қувватлашдаги ролини ошириш мақсадида, молиявий инновацияларни ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишлари сифатида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш босқичида банкларнинг янада фаол иштироки учун қўшимчи фискал имтиёзларни, шунингдек, йирик инновацион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банк синдикатларини яратиш. Учинчидан, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда бошланғич капитални молиялаштириш учун тижорат банклари билан биргаликда яратиладиган инвестицион компанияларга хорижий инвестиция жамғармаларини, халқаро молиявий институтларни, кейинчалик молия институтларининг улушини асосий таъсисчиларга сотиш имконияти билан жалб қилиш тавсия этилган.

Молия бозорида содир бўлаётган ўзгаришлар кредит ташкилотларидан молиявий воситачи сифатидаги ролини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Банклар томонидан классик операцияларни амалга ошириш ва катта миқдордаги ахборотни тўплаш банкларнинг анъанавий функциясини молиявий воситачилар сифатида янги – бизнесни бошқариш ва ривожлантириш бўйича молиявий маслаҳатчи функцияси билан тўлдириш имконини беради.

## ХУЛОСА

Мазкур диссертация тадқиқоти доирасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Банк соҳасини ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг инновацион масалаларига оид илмий-назарий қарашлар асосида:

- рақамли иқтисодиёт ва инновациялар ривожланиши иқтисодий эркинликнинг юқори индекси; таълим ва илм-фан ривожланишининг юқори даражаси; иқтисодиётнинг 4-6 - даражали технологик тартиблари; юқори ҳаёт даражаси ҳамда инсон капиталининг юқори қиймати ва сифати; инновацион корхоналарнинг юқори улуши (60-80% дан ортиқ) ва инновацион маҳсулотлар каби кўрсаткичлар билан характерланади.

- ҳар бир банкда инновацион ривожланиш ва технологияларни жорий этиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин, йирик банклар ресурсларнинг мавжудлиги туфайли замонавий дастурий маҳсулотларни қийинчиликсиз жорий этиши мумкин бўлса-да, айнан йирик банклар инновацияларни мураккаброқ амалга оширади.

2. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида тижорат банклари инновацион ривожланишининг ҳақиқий маълумотларини таҳлил қилиш жорий қилинаётган дастурий маҳсулотларнинг тарқоқлигидан далолат беради, бу маълумотларнинг марказлаштирилган тизимига интеграциялашувини таъминловчи ягона ахборот-технологик платформасининг йўқлигидан келиб чиқади.

3. Коронавирус инфекцияси тарқалиши натижасида мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтириш мақсадида тижорат банкларининг рақамли трансформациясини ва уларнинг банк хизматлари янги турларини жорий этиш бўйича фаолиятини жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- BigData технологияларидан фойдаланган ҳолда кредит тарихи асосида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўғрисидаги иқтисодий ахборотларни тўплаш, ишлаб чиқариш қиймат занжирларини таҳлил қилиш ва тижорат банкларининг кредит портфели хавфини ўз вақтида баҳолаш имконини беради. «Лойиҳалар фабрикаси»ни ишга тушуши натижасида ТИФ Миллий банк АЖ кредит портфели фоизли даромади 6,02 % дан 9,5 % гача ўсиши ҳамда қўшимча 3054 млрд. сўм миқдорида даромад олиниши кўзда тутилмоқда;

- тижорат банкларининг тадбиркорлар кредитларни қайтариши билан боғлиқ муаммолари ва янги иш ўринларини яратиш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан онлайн консультациялар ташкил этиш;

- ахборот технологиялари соҳасида стартапларни амалга оширишга кўмаклашиш, жумладан, карантин шароитида жуда муҳим бўлган таълим, тиббиёт, ижтимоий соҳасларида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

- суғурта, савдо имтиёзлари ва ҳ. к. каби аралаш хизматларни кўрсатиш орқали кўрсатилаётган мобиль ва интернет-банкнинг хизматлари доирасини кенгайтириш;

- маҳаллий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар электрон тижоратини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот ресурсларида кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигини яхшилаш орқали мижозларнинг банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар бўйича кенг миқёсда хабардорлигини таъминлаш;

- кредитлашнинг янги шакл ва усуллари, жумладан, синдикатлашган кредитларнинг турларини, экспортни молиялаштириш, жумладан, хорижий харидорнинг кредитлаш схемаларини ривожлантириш.

4. Банк учун мижозлар билан тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва янги банк маҳсулотларини яратиш асосий инновацион йўналиш бўлиб қолиши керак. Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш постпандемик даврда инқироздан чиқиш, корхона ва ташкилотларнинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун самарали восита бўлиши мумкин.

Банк фаолиятида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклиф этилган янги ёндашувлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

-АТБ «Ozbekiston sanoat-qurilish banki»да “Joyda” иловаси орқали банк депозит портфелининг 10 % га ўсишига эришилган;

-АТБ «Агробанк»да кредит ажратиш вақтини 5 кундан 1-2 кунга қисқартирилиши натижасида, кредит портфелининг 10 % га ўсишига эришилган;

-ТИФ Миллий банк АЖ КРІ тизими ва кадрларни бошқариш бўйича автоматлаштирилган лойихани жорий этиш ҳисобига кадрлар сонининг қисқариши кутилмоқда, шунингдек иш ҳақи фонди 20 % га қисқариши ҳамда меҳнат унумдорлиги 15 % га ошишига эришилади.

Шунингдек банк фаолиятини инновацион ривожланишини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозим:

- энг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида инновацион банк маҳсулотларини ривожлантириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш;

- ўзаро боғлиқ бўлган банк маҳсулотларини яратиш, янги молиялаштириш схемалари, банк кредитлари ва инвестицияларини кенгайтириш орқали молиявий инновацияларни фаол жорий этиш;

- бизнес-жараёнларга ва тижорат банкни бошқариш тизимида инновацияларни, шу жумладан, менежментни такомиллаштириш, банк фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш, банк-молия соҳасига оид маълумотларнинг сифат даражасини ошириш, унинг

кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масалаларини жорий этиш.

5. Тижорат банкларининг миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишини инвестицион қўллаб-қувватлашдаги ролини ошириш мақсадида, молиявий инновацияларни ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини кўриб чиқиш мумкин: норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш босқичида банкларнинг янада фаол иштироки учун қўшимчи фискал имтиёзларни, шунингдек йирик инновацион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банк синдикатларини яратиш.

6. Молия бозорида содир бўлаётган ўзгаришлар кредит ташкилотларидан молиявий воситачи сифатидаги ролини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Банклар томонидан классик операцияларни амалга ошириш ва катта миқдордаги ахборотни тўплаш банкларнинг анъанавий функциясини молиявий воситачилар сифатида янги бизнесни бошқариш ва ривожлантириш бўйича молиявий маслаҳатчи функцияси билан тўлдириш имконини беради.

Молиявий бозорда содир бўлаётган ўзгаришлар кредит ташкилотларидан молиявий воситачилар сифатидаги ролини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Банклар томонидан классик операцияларни амалга ошириш ва катта миқдордаги ахборотни тўплаш банкларнинг анъанавий функциясини молиявий воситачилар сифатида янги – бизнесни бошқариш ва ривожлантириш бўйича молиявий маслаҳатчи функцияси билан тўлдириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ РОССИЙСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА ИМ. Г.В. ПЛЕХАНОВА**

**МИРСОАТОВ АЛИШЕР КУДРАТУЛЛАЕВИЧ**

**РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В  
УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**08.00.07- Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована под номером B2020.2.PhD/Iqt1362 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском филиале Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

Научный руководитель:	<b>Абдурахманов Каландар Ходжаевич</b> академик АН Республики Узбекистан
Официальные оппоненты:	<b>Хайдаров Низамиддин Хамраевич</b> доктор экономических наук, профессор <b>Омонов Акром Абдуназарович</b> доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация	<b>Высшая школа бизнеса и предпринимательства</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.20/13.05.2020.I.23.01 по присуждению ученых степеней при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан по адресу: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером \_\_\_). Адрес: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.)

**Ш.А. Тошматов**

Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

**А.Х. Исламкулов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, (DSc), доцент

**Д.Н. Рахимова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Развитие современного общества в мире в долгосрочной перспективе характеризуется рядом устойчивых глобальных тенденций. Согласно отчету Digital Spillover (digital samara), опубликованному Huawei и Oxford Economics, каждая инвестиция в цифровые технологии за последние 30 лет показала, что сумма в 1 доллар США до 20 долларов США привела к увеличению ВВП. Рентабельность инвестиций в цифровые технологии (ROI) в 6-7 раз выше, чем нецифровые инвестиции, а цифровая экономика растет в 2,5 раза быстрее мирового ВВП (в среднем)<sup>1</sup>. Поэтому необходимость развития инновационных банковских услуг в условиях формирования цифровой экономики еще больше повышает актуальность данной проблемы в современных процессах глобализации.

В мировой практике развитие цифровых платформ изменило конкурентную среду и условия, что привело к резкому увеличению количества научных исследований по предложению новых видов услуг и товаров, а также объема выделяемых на это средств. В частности, набирают обороты исследования по развитию цифровых технологий в банковской системе, внедрению новых банковских продуктов и программного обеспечения, реализации масштабных программ трансформации в развивающихся странах. Однако в условиях резкого развития цифровых технологий в сфере предоставления банковских услуг в мире исследования по научным темам, связанным с развитием инновационных банковских услуг на основе широкого использования современных технологий «Big Data», становятся сегодня актуальной необходимостью.

"... банковская система отстает на 10-15 лет от современных требований по развитию цифровых технологий, внедрению новых банковских продуктов и программного обеспечения. С 2020 года в каждом банке будет реализована масштабная программа трансформации. В центре нашего внимания будет увеличение капитала, ресурсной базы и прибыльности банков"<sup>2</sup>. Важность развития цифровой экономики в реализации этой задачи и наличие возможных сложностей в ее реализации, существующие проблемы при осуществлении цифровой трансформации в банковской отрасли, изучив передовой зарубежный опыт и разработав научные основы, направленные на их решение, являются одним из актуальных вопросов в науке.

Настоящее диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач, утвержденных в Указах Президента Республики Узбекистан от 12.05.2020 г. № УП-5992 «О Стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы», № УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий

---

<sup>1</sup> Доклад Huawei и Oxford Economics Измерение реального влияния цифровой экономики  
<https://www.huawei.com/minisite/russia/digital-spillover/>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису, от 24.01.2020г. URL:  
<https://president.uz/ru/lists/view/3324>

по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года « О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых документах данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики», развития науки и технологий Республики Узбекистан.

**Степень изученности проблемы.** В зарубежной литературе вопросам инновационного развития в условиях формирования цифровой экономики, посвящены труды таких ученых и практиков, как: Шумпетер Й., Авдеева И. Л., В.Сумароков, Е.Шохин, Е.Бровкин, Н.Амосова, О.Лаврушин, Е.Мешкова, Д.Вахрушев, Г.Белоглазова<sup>1</sup>.

Вопросам изучения инновационного развития рынка банковских услуг в условиях формирования цифровой экономики посвящены труды отечественных ученых-экономистов Абдурахманова К.Х., Абдурахманова О., Абдуллаевой Ш.З., Бобакулова Т.И., Хамидулина М.Б., Омонова А.А. и др.<sup>2</sup>.

